

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
БОЖХОНА ИНСТИТУТИ**

**ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари тўплами*



Тошкент - 2022 й

“Иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. - Тошкент. ДБК БИ, 2022 й. -168 б.

Тўпламда иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари ва истиқболлари юзасидан баён этилган тезислар берилган.

Уларда божхона маъмурчилигини такомиллаштириш, божхона тизимини жадал ислоҳ қилиш, божхона маъмурчилигини янада соддалаштириш орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш механизминини такомиллаштириш, божхона тартиб-таомилларини ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида уйғунлаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган божхона ислохотларини ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини ошириш, рақамли божхонани ривожлантириш йўналишлари бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Таҳрир ҳайъати:

т.ф.д., профессор К.Каримқулов
и.ф.д., доцент Ш.Муратова
к.ф.н., доцент З.Садиков
т.ф. PhD Ф.Хакимова

Тезислар мазмуни ва келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф масъул ҳисобланади.

Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти, 2022 й.

2. БОЖХОНА СОҲАСИДА РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Б.Байхонов. Божхона соҳасида рақамлаштириш жараёнларининг долзарб масалалари.....	69
З.Мамадияров. Рақамли иқтисодиёт шароитида банк хизматларини масофадан кўрсатишни инновацион такомиллаштириш.....	71
Х.Рузметов. Божхона назорати ва расмийлаштируви тартиб-таомилларини соддалаштиришда хавфларни бошқариш тизимини қўллаш ва баҳолашнинг амалдаги ҳолати ҳамда мавжуд муаммолари таҳлили.....	74
Sh. Xoliyorova. Raqamli iqtisodiyot doirasida bojxona organlari faoliyati shaffofligi hamda samaradorligini ta'minlash.....	80
Қ.Тўхсанов. Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш йўллари.....	83
С.Дарвишов. Яширин иқтисодиётни қисқартиришда рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти.....	88
Ш.Арипов. Исследование качества процедур таможенного оформления на границе (на примере стран снг).....	90

3. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАРИФ ВА НОТАРИФ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ

Ф.Фарходов. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда божхона тўловларининг ўрни.....	93
Z.Rustamova. Tashqi iqtisodiy faoliyatni tarif va notarif jihatdan tartibga solishni soddalashtirish.....	97
M.Bahriddinova. O'zbekistonda tashqi iqtisodiy faoliyat va uni tartibga solishni soddalashtirish.....	100
Қ.Тўхсанов. Божхона имтиёзлари ва преференциялари самарадорлигини ошириш истиқболлари.....	103
E.Xaydarov, D.Xaydarova, Sh.Abdullayev. Tabiiy qizil bo'yoqli o'zimliklarni sinflash.....	107
Ф.Фозилова. История и этапы становления химической промышленности.....	109
N.Jabborxonova, Q.Karimqulov. Falsifikatsiya va kontrofakt dori vositalarini identifikatsiya qilishning ahamiyati.....	114
Ш.Муратова, Н.Содикова. Совершенствование деятельности таможенных органов по обеспечению защиты прав интеллектуальной собственности в условиях цифровизации.....	118
А.Тойиров. Внедрение Гармонизированной системы описания и кодирования товаров в таможенный тариф Узбекистана.....	122
Т.Пардаев. Ташқи савдони ривожлантиришда божхона хизмати фискал фаолиятни такомиллаштириш.....	124
В.Хўжаев, Д.Каримова. Парфюмерия воситаларини таснифлаш масалалари.....	128
Ш.Кушназарова, Н.Собирова. Сут ва сут маҳсулотлари ассортименти,	

Хулоса қилиб айтганда, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришда рақамлаштиришни такомиллаштириш божхона расмийлаштируви жараёнида инсон омили иштирокини камайтириб, коррупция ҳолатларини келиб чиқишини камайтиради, шунингдек тадбиркорларнинг божхона расмийлаштирувига кетадиган вақтини ҳамда уларнинг сарф-харажатларини қисқартиради. Бу эса бевосита Республикамиз ташқи савдо айланмасини ривожланишига ва давлат бюджетини кўпайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-122 сонли Фармони.
3. Пардаев Т.Н. Божхона хизматининг фискал фаолияти. Ўқув қўлланма. – Т.: 2022. 6. 29-33

ПАРФЮМЕРИЯ ВОСИТАЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Хўжаев Вахобжон Умарович,
ҚДПИ Кимё кафедраси профессори, к.ф.д.
Каримова Диловар Батировна,
ҚДПИ Кимё кафедраси доценти, PhD

Бугунги кунда парфюмерия маҳсулотларининг истеъмол қиймати ортиб бормоқда. Буни Республикамиз миқёсидаги парфюмерия маҳсулотларининг экспорт ва импорти орқали ҳам кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

2017-2020 йилларда парфюмерия маҳсулотларининг истеъмол харажатлари

Товар позицияси	Савдо оқими	2017	2018	2019	2020
3303 Духи ва хушбўйлантивувчи сувлар	Импорт нархи (АҚШ доллари)	1961205	2027737	5985604	7525980
	Экспорт нархи (АҚШ доллари)	54654.00	56948.00	400395.00	75409.00

Жумладан, 2017 йил 1 январдан 2020 йил декабрь ойига қадар парфюмерия маҳсулотларининг Республика бўйича йиллик айланмаси таҳлил қилинганда, импорти 1.961 млн АҚШ долларида 7.525 млн АҚШ долларига, экспорти эса 54.654 минг АҚШ долларида 75.409 минг АҚШ долларига ортганлиги кузатилган [1].

Тадқиқот муаммолари сифатида парфюмерия воситаларининг давлатлар ўртасидаги товарлар айланишида ТИФ ТН асосида маҳсулот хусусиятларига қараб товар кодини чиқаришда бир қанча ноаниқликлар мавжуд. Бу ТИФ ТН изоҳларида ҳам тўлиқ келтирилмаган.

Парфюмерия маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси VI бўлимининг 33-гуруҳи 3303 позициясида тавсифланади:

3303001000- духи;

3303009000- хушбўйлантйрувчи сувлар.

Изоҳларга мувофиқ, 3303 позиция ТИФ ТНда қуйидагича тавсифланади:

Духи - гул ифторлари, эфир мойлари, синтетик хушбўй моддалар, фиксаторловчи ва стабилизаторловчи ароматик моддалар юқори концентрацияли спиртда эритилади.

Духи суюқ, қаттиқ ҳамда кремсимон ҳолатда бўлиши мумкин.

Хушбўйлантйрувчи сувлар таркибида эфир мойлар миқдори камроқ бўлади ва улар паст концентрацияли спиртда эритилади [2].

Парфюмерия воситаларининг таснифи аниқдек туюлсада, аммоташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг 330300 субпозиция изоҳида парфюмерия маҳсулотлари таркибидаги хушбўй моддалар ва спиртнинг аниқ миқдори (концентрацияси) га қараб маълум подсубпозицияда синфланиши кўрсатиб ўтилмаган. Парфюмерия воситалари ТИФ ТНда тўлиқ детализация қилинмаган.

Духи (parfum, extra parfum) –таркибида 20-40% гача хушбўй модда спиртда эритилган, ҳид турғунлиги 50-60 соатдан юқори бўлган парфюмерия воситаси бўлса, хушбўйлантйрувчи сувлар (eau de toilette) – таркибида 7-10% хушбўй модда сақлаган ва одеколон билан духи оралиғидаги маҳсулот сифатида берилган. Бу маълумотлар асосида духини 3303001000 подсубпозицияда, хушбўйлантйрувчи сувни 3303009000 субпозицияда таснифлаш мумкин. Лекин бошқа турдаги парфюмерия воситалари ҳам мавжуд.

Мамлакатга ташқи иқтисодий фаолиятда кириб келаётган хушбўйлантйрувчи духи (eau de parfum), одеколон ва хушбўй сувлар қайси субпозицияда таснифланиши кўрсатилмаган. Бундан ташқари таркибидаги хушбўй моддаларнинг миқдори, спиртнинг концентрацияси турлича бўлсада, улар амалдаги ТИФ ТН да битта код рақамига эга бўлади. Шунинг учун ҳам кимёвий таркиби асосида уларни тўлиқроқ детализация қилиб, таснифлаш керак. Бу эса иқтисодий самарадорликнинг ортишига ва божхона тўловларининг тўғри ундирилишига олиб келади.

Хушбўйлантйрувчи духи (eau de parfum) – духи ва хушбўйлантйрувчи сувнинг оралиқ формаси бўлиб, таркибида хушбўй модда миқдори 11-20% оралиғида, юқори концентрацияли спиртда эритилган бўлади.

Демак, хушбўйлантйрувчи духини кимёвий таркибига кўра ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг 3303001000 подсубпозициясида таснифлаш лозим.

Одеколон – таркибида 1.5-4% хушбўй модда сақлаган ва қуйи концентрацияли спиртда эритилган парфюмерия воситаси ҳисобланади. Уни ЎЗР ТИФ ТНнинг 3303009000 подсубпозициясида синфлаш мумкин [3].

Бундан ташқари, ҳар қандай атир ва хушбўйлантйрувчи сувларнинг нарх-навосидаги тафовутларни кўришимиз мумкин. Мисол учун, ҳажми 70 мл бўлган “Baccarat” духиси (extrait de parfum) савдо дўконларида 4.180.000 сўм бўлса, унинг худди шу номдаги хушбўйлантйрувчи духиси (eau de parfum) 3.245.000 сўм атрофида баҳоланади [4].

Демак, духи ва хушбўйлантйрувчи духи нархлари ўртасидаги тафовут 1 млн сўмга яқин бўлмоқда. Бу бир хил номдаги икки хил парфюмерия маҳсулотининг қадоқлари ҳам турличадир (1 ва 2-расмлар).

Бу икки маҳсулотни солиштирадиган бўлсак, Maison Francis Kurkdjian Baccarat Rouge 540 (extrait de parfum) 70 мл ли духи таркибида ҳид жиҳатдан шафран ва миндал юқори нотада, жасмин ҳамда оқ кедр ўрта нотада, мускус, амбра, ёғочлик қуйи ноталарда мавжуд бўлади. У 2017 йилдан бошлаб қизил қутида, магнит қопқоқли қизил шиша идишда қадоқланиб ишлаб чиқарилган.



1-расм. Духи



2-расм. Хушбўйлантйрувчи духи

Maison Francis Kurkdjian Baccarat Rouge 540 (eau de parfum) хушбўйлантйрувчи духиси эркак ва аёллар учун умумийдир. У 2015 йилдан бошлаб оқ қутида, шаффоф рангли шиша идишда қадоқланиб, ишлаб чиқарилмоқда. У шарқона гуллар ҳид гуруҳига мансуб. Ушбу маҳсулотдаги хушбўй моддаларнинг таркиби бўйича юқори нотада жасмин ва шафран, ўрта ноталарда янтар ва кулранг амбра, қуйи ноталарда смола ва оқ кедр ҳидларини ҳис этиш мумкин [4]. Таркибидаги хушбўйлик берувчи моддаларнинг миқдори ҳам турличадир. Духи таркибида мускус мавжуд ва оқ кедр миқдори нисбатан кўпроқ бўлса, хушбўйлантйрувчи духи таркибида амбранинг миқдорининг юқорилигини тадқиқотимиз натижаларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Бу икки маҳсулот тан нархига қарамасдан, бир хил код рақами билан таснифланади.

Парфюмерия маҳсулотларига хушбўйликни табиий ва синтетик хушбўй моддалар беради. Табиий хушбўй моддалар ўсимликлардан ва ҳайвонлардан олинади. Масалан, 1 кг табиий тоза эфир мойини олиш учун 7 миллион жасмин гули керак бўлади. Бунинг қиймати 3000-5000 доллар атрофида. Синтетик ҳолатдагиси эса 20-50 доллар бўлади. Парфюмерия маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида табиий хушбўй моддалардан фойдаланилса, духининг нархи албатта, қиммат бўлади. Синтетик хушбўй моддалардан фойдаланилганда эса тан нархининг пасайишига олиб келади.

Демак, ТИФ ТНнинг “Духи ва хушбўйлангирилган сув” номли 330300 субпозициясини таҳлил қилиш натижасида уларни кимёвий таркиби ва физик кимёвий хусусиятларига қараб, тўлиқроқ синфлаш (детализациялаш) керак. Амалда Республикамизга импорт қилинаётган парфюмерия маҳсулотларини синфлашда хид турғунлиги, спирт ва хушбўй моддаларнинг миқдори ҳамда шаффофлиги асосий мезоний кўрсаткичлар сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ деб топилди (2-жадвал).

2-жадвал

Парфюмерия воситаларига таклиф этилган код рақамлари

ТИФ ТН коди	Товар тавсифи
330300	Духи ва хушбўйлангирувчи сувлар
3303001001	Духи
3303001002	Хушбўйлангирувчи духи
3303009001	Хушбўйлангирувчи сув
3303009002	Одеколон
3303009009	Бошқалар

Демак, парфюмерия воситалари таркибидаги асосий хид берувчи компонент хушбўй модда бўлса, уларнинг миқдorigа асосланиб парфюмерия воситаларини таснифлаш тўғри бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Яковлева Л.А., Кутакова А.С. Товароведение парфюмерно-косметических товаров: Учебник для вузов. — СПб.: Издательство «Лань», 2001. —С. 256.
2. Каримкулов К., Абдуғаниев Б., Ҳамракулов Ғ. Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси. Т.:Фан ва технологиялар маркази. -2008. —Б.17.
3. Каримова Д.Б., Хужаев В.У., Исаков М.Ю. Определение химического состава парфюмерной продукции методом ГХ-МС.//Universum: химия биология: электрон. научн. журн. —2021. —№11 (89). —С. 1-4.
4. Каримова Д.Б., Хужаев В.У. Классификации парфюмерной и косметической продукции на основе товарной номенклатуры. // Universum: технические науки : электрон. научн. журн. —2020. —№12 (81). —С. 63-71.

СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ АССОРТИМЕНТИ УЛАРИНИНГ СИФАТИНИ ЎРГАНИШ

Кушназарова Шохидохон Косимовна,
ҚДПИ Кимё кафедраси катта ўқитувчиси (PhD)
E-mail: Sh.Kushnazarova@82 mail.ru
Собирова Наргиза,
ҚДПИ Кимё кафедраси талабаси

Сут ва сут маҳсулотлари аҳолининг энг ноёб озуқавий модда оқсилга